

ЗАМОНАВИЙ СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, ТУЗИЛИШИ ВА МОДЕЛЛАРИ

Хўжаев Анвар Исмаилович

Ўзбекистон миллий университети мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада замонавий сиёсий технологияларнинг назарий асослари, тузилиши ва моделлари таҳлил қилинади. Локал ва глобал сиёсий жараёнлар ўртасидаги ўзаро боғланиш, демократик ва институционал сиёсий технологиялар, маълумотларга асосланган сиёсий бошқарув (data-driven governance) ҳамда коалицион моделлар мисолида сиёсий технологияларнинг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, авторитар ва тоталитар режимларда сиёсий технологиялардан фойдаланиш хусусиятлари ҳам кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: сиёсий технологиялар, демократик технологиялар, институционал моделлар, маълумотларга асосланган бошқарув, тоталитар режимлар, сиёсий манипуляция.

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются теоретические основы, структура и модели современных политических технологий. Значимость политических технологий рассматривается на примерах взаимосвязи локальных и глобальных политических процессов, демократических и институциональных политических технологий, управления на основе данных (data-driven governance), а также коалиционных моделей. Кроме того, исследуются особенности использования политических технологий в авторитарных и тоталитарных режимах.

Ключевые слова: политические технологии, демократические технологии, институциональные модели, управление на основе данных, тоталитарные режимы, политическая манипуляция.

ABSTRACT

This article analyzes the theoretical foundations, structure, and models of modern political technologies. The significance of political technologies is highlighted through the examples of the interconnection between local and global political processes, democratic and institutional political technologies, data-driven governance, and coalition models. In addition, the article examines the features of the use of political technologies in authoritarian and totalitarian regimes.

Keywords: political technologies, democratic technologies, institutional models, data-driven governance, totalitarian regimes, political manipulation.

КИРИШ

Сиёсий технологиялар замонавий сиёсат ва бошқарувдаги муҳим компонентлардан бири бўлиб, улар давлат органлари, сиёсий партиялар ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларни ташкил этиш, қарорлар қабул қилиш жараёнларини самарали қилиш, шунингдек, демократик жараёнларни ривожлантиришда аҳамиятли роль ўйнайди.

Замонавий сиёсий технологияларнинг моҳиятини ўрганиш сиёсий жараёнларни тўғри англаш ва давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашув жараёнида сиёсий технологиялар нафақат маҳаллий сиёсий тизимларга, балки халқаро сиёсий муносабатларга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли уларнинг моделлари ва қўлланилиш соҳаларини таҳлил қилиш сиёсий фан учун стратегик аҳамиятга эга.

Сиёсий технологиялар – бу сиёсий жараёнларни бошқариш, сиёсий манипуляцияларни амалга ошириш ва фуқаролар билан алоқаларни ўрнатиш учун мўлжалланган усуллар, методлар ва воситалар мажмуасидир. Улар замонавий сиёсатнинг ҳар томонлама жиҳатларини ўз ичига олади ва қуйидаги асосий йўналишларга бўлинади:

Сиёсий маркетинг – бу сиёсий жараёнларда фуқароларнинг овозини олиш ва уларнинг фикрларини ўзгартиришга қаратилган технологиялар мажмуасидир. У ҳар томонлама маркетингнинг замонавий усулларига асосланади ва сиёсий номзодларнинг бошқарувдаги амалга оширишга ёрдам берувчи стратегик қарорлар, брендлаштириш ва ишончга эга бўлишга йўналтирилган. Ушбу технологиялар аҳолининг сиёсий партияларга, номзодларга бўлган муносабатларини шакллантириш ва уларни мақсадли аудиторияга таъсир ўтказиш учун қўлланилади.

Сайлов технологиялари – сайловларни ўтказиш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун қўлланиладиган технологиялар. Бу ўзаро таъсирнинг турли шакллари ўз ичига олади, масалан, электрон сайлов тизимлари, сайлов кампанияларининг янгиликлари ва фуқароларни тарғиботлашнинг замонавий усуллари. Сайлов технологиялари фуқароларнинг сиёсий қарорларини аниқлаш ва уларнинг овоз бериш жараёнини янада осонлаштиришга қаратилган.

Сиёсий коммуникация технологиялари – замонавий коммуникация технологиялари, айниқса, интернет, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши замонавий сиёсий бошқарувда муҳим аҳамиятга эга [1].

Услуг ва таҳлиллар

Мақола назарий таҳлил ва қиёсий ёндашув усуллари асосланади. Замонавий сиёсий технологиялар ҳақидаги хорижий ва маҳаллий адабиётлар, сиёсий институтлар ва давлат бошқаруви амалиётидан мисоллар ўрганилди. Шунингдек, демократия ва авторитаризм шароитида сиёсий технологиялардан фойдаланиш хусусиятлари таққослаб таҳлил қилинди.

Сиёсий технологияларнинг моҳияти ва уларни жамиятга таъсири ҳақидаги тадқиқотларни олиб борган олимлардан бири П. Норриснинг фикрича медиа ва рақамли коммуникация, сиёсий технологиялар сайлов хулқ-атвори ва жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишини, шунингдек, медиа структураларини демократик жараёнларга таъсир қилишда жуда муҳим ўринга эга [1].

Яна бир олим Жон Аллен Хендрикс ўзининг тадқиқотида ижтимоий тармоқлар 2008, 2012 ва 2016 йиллардаги АҚШда бўлиб ўтган сайлов стратегияларини тубдан ўзгартириб юборганини таъкидлайди. Шунингдек, сиёсий технологиялар демократик мобилизация имкониятлари билан бирга нотўғри мақсадларда (дезинформация, микротаргетинг) ишлатилиши хавфини муҳокама қилади [2].

Олинган натижалар

1. Локал ва глобал сиёсат ўртасидаги боғланиш – замонавий сиёсий технологиялар маҳаллий сиёсий жараёнлар билан чекланиб қолмасдан, халқаро муносабатларга ҳам таъсир кўрсатади.

2. Демократик сиёсий технологиялар – фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирокини кучайтиради; электрон овоз бериш, онлайн петициялар ва crowd-sourcing каби усуллар аҳоли иштирокини кенгайтиради.

3. Институционал сиёсий технологиялар – давлат органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, қонун чиқариш ва ташкилий жараёнларда инклюзивликни таъминлайди.

4. Маълумотларга асосланган бошқарув (data-driven governance) – маълумотлар таҳлили орқали аҳолининг эҳтиёжлари аниқланади ва сиёсий стратегиялар шу асосда ишлаб чиқилади [4].

5. Коалицион сиёсий технологиялар – турли сиёсий субъектлар ҳамкорлиги асосида қарор қабул қилишни рағбатлантиради.

6. Авторитар ва тоталитар моделлар – сиёсий технологиялар манипуляция ва пропаганда воситаси сифатида ишлатилиб, жамоатчилик фикрини назорат қилиш ҳамда муҳолифатни йўқотиш учун қўлланилади [5].

МУҲОКАМА

Замонавий сиёсий технологиялар демократик тизимларда фуқаролар иштирокини кучайтириш ва давлат бошқарувини шаффоф қилишга хизмат қилса, авторитар режимларда аксинча, сиёсий манипуляция ва ахборот назорати воситасига айланиши мумкин.

Маълумотларга асосланган сиёсий бошқарув ва рақамли технологиялар орқали давлат органлари жамият эҳтиёжларини яхшироқ англаш имконига эга бўлади. Шу билан бирга, сиёсий технологиялар глобал рақобат ва сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатларга ҳам таъсир кўрсатиб, уларнинг самарадорлиги ва қонунийлиги кўп жиҳатдан сиёсий тизимнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, замонавий сиёсий технологияларнинг моҳияти ва моделларини ўрганиш сиёсий жараёнларни англашда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Улар демократик давлатларда жамият иштирокини ошириш ва бошқарув самарадорлигини кучайтиришда хизмат қилса, авторитар тизимларда аксинча, сиёсий назорат ва манипуляциянинг асосий воситасига айланиши мумкин.

Шу боис ҳар бир давлат ўз сиёсий тизимига мос келадиган сиёсий технология моделларини ишлаб чиқиши ва уларнинг самарадорлигини мунтазам таҳлил қилиб бориши зарур.

АДАБИЁТЛАР:

1. Chadwick, A. (2017). The Hybrid Media System: Politics and Power. Oxford University Press.
2. Pippa Norris, мақола: “Preaching to the Converted? Party Websites, Political Participation and Pluralism in Western Europe” (2003). (мурожаат қилинган сана 20.09.2025 й. <https://journals.sagepub.com/doi/10.1177/135406880391003>)
3. J.A. Hendricks, Schill, D. (Eds.), Presidential Campaigning and Social Media: An Analysis of the 2012 Election. (Oxford, 2015). (мурожаат қилинган сана: 20.09.2025 й. [//www.researchgate.net/publication/275411976_Presidential_Campaigning_and_Social_Media_An_Analysis_of_the_2012_Campaign_Edited_by_John_Allen_Hendricks_and_Dan_Schill_New_York_Oxford_University_Press_2014_320_pp](http://www.researchgate.net/publication/275411976_Presidential_Campaigning_and_Social_Media_An_Analysis_of_the_2012_Campaign_Edited_by_John_Allen_Hendricks_and_Dan_Schill_New_York_Oxford_University_Press_2014_320_pp)).
4. Margetts, H., & Stoker, G. (2016). Political Science and the Internet: Communication, Innovation and Governance. Routledge.

5. Gessen, M. (2017). The Future is History: How Totalitarianism Reclaimed Russia. Riverhead Books.
6. Ўзбекистон Республикасида рақамли бошқарув ва электрон демократияга оид норматив ҳужжатлар.